

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.G.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛТАНОВ МУРОДЖОН ҚИЛИЧОВИЧ

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ТУПРОҚЛАРИ ШЎРЛАНИШИНИ ТАДҚИҚ
ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ГЕОГРАФИК МЕТОДЛАРИ**

11.00.01 – Табiiй география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Султанов Муроджон Қиличович

Хоразм вилояти тупроқлари шўрланишини тадқиқ қилишнинг замонавий географик методлари.....3

Султанов Муроджон Қиличевич

Современные географические методы исследования засоленности почв Хорезмской области.....19

Sultanov Murodjon Qilichovich

Modern geographical methods to study soil salinization in the Khorezm region..35

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works39

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.G.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛТАНОВ МУРОДЖОН ҚИЛИЧОВИЧ

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ТУПРОҚЛАРИ ШЎРЛАНИШИНИ ТАДҚИҚ
ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ГЕОГРАФИК МЕТОДЛАРИ**

11.00.01 – Табiiй география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/G15 рақам билан
рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (nauka.nuu.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафаров Эшқобул Юлдашевич
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Нигматов Асқар Нигматуллаевич
география фанлари доктори, профессор

Абдуллаев Илхом Хагамович
география фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тупроқшунослик ва агрохимё
илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.G.01.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «6» февраль соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ik-geografiya.nuuz@mail.ru.). Ўзбекистон Миллий университети, Геология ва география факультети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 3 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2018 йил «24» январь куни тарқатилди.
(2018 йил «24» январдаги 6 рақамли реестр баённомаси).



Сабитова

Н.И. Сабитова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
г ф д, профессор

Ш.М. Шарипов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
г ф и доц

А.А. Қаюмов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби ва
илмий семинар раиси,
г ф д, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон бўйича суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларида тупроқлар шўрланишига қарши курашиш учун тезкор мониторинг олиб бориш технологияларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Бугунги кунда дунё бўйича жами 1,5 миллиард гектар экин ерларида етиштириладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг 40%и жами экин майдонларининг фақат 20%ини ташкил қилган 300 миллион гектар суғориладиган ерларда етиштирилиб, унинг 30%га яқин майдони табиий-антропоген омиллар сабабли турли даражада шўрланишга учраганлиги бутунжаҳон озиқ-овқат ташкилоти ФАО томонидан алоҳида таъкидланган¹.

Жаҳонда суғориладиган ерларнинг аксарият қисми куруқ ва ярим куруқ иқлим минтақаларида жойлашган бўлиб, Африка, Осиё, Австралия, Европа ва Лотин Америкасида тупроқлар шўрланишининг салбий таъсири сабабли унумдорлик ва экинлар ҳосилдорлигининг пасайиши 397 миллион гектар ерларда кузатилган¹. Тупроқлар шўрланишидан Австралияда 20% суғориладиган ерлар зарарланган бўлса, бу кўрсаткич Мисрда 30%, Эронда 50%, Ҳиндистон ва Покистонда 55%ни ташкил қилади. Шу жумладан, Орол ҳавзасига кирувчи Марказий Осиёда мавжуд суғориладиган ерларнинг ярмидан ортиғи турли даражада шўрланганлиги минтақада кенг кўламли тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини кўрсатиб, Бутунжаҳон банки томонидан алоҳида эътироф этилган².

Бугунги кунда мамлакатимизда ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва мелиоратив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Хоразм воҳасининг суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, аввало, тупроқлар шўрланиш жараёни бўйича батафсил маълумотлар билан таъминлаш, аниқ белгиланган замонавий методлар орқали уларни баҳолаш ва қишлоқ хўжалигида ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланишни аэрокосмик методлар ёрдамида прогноз қилиш бўйича амалга ошириладиган тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш»³ борасидаги устувор йўналишларида алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бундан келиб чиққан ҳолда, суғориладиган ерларни тупроқлар шўрланиши ва бошқа деградация жараёнларидан муҳофаза қилиш ҳамда мониторингини олиб боришни замонавий янгича методлар асосида такомиллаштириш йўли билан амалиётга татбиқ этилиши соҳадаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ FAO of the United Nations and Earthscan, Rome, 2012. Water and Cereals in Drylands.

² The World Bank, February 2003. Irrigation in Central Asia Social, Economic and Environmental Considerations.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш» йўналиши, 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ-1958-сон Қарори билан тасдиқланган «2013–2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3281-сон «2018 йилда қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз, шу жумладан, Хоразм воҳаси тупроқлари ҳосил бўлиш жараёни, тупроқ турлари ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати, сув-физик хоссалари, кимёвий таркиби, тупроқ географияси ва унинг йўналишлари бўйича дастлабки аҳамиятли тадқиқотлар рус ҳарбий топографик бошқармаси олимлари Р.Ханников, Г.Данилевский, тупроқшунослар В.В.Докучаев, Н.М.Сибирцев, П.С.Коссович ва Н.А.Димо раҳбарлигида олиб борилиб, Амударё куйи қисми тупроқларининг иккиламчи шўрланишига ер ости сувларининг таъсири ва сув-туз тартиботи ўрганилган, Ўзбекистон тупроқ хариталари (1:1 000 000; 1927), (1:420 000, 1930) тузилган.

Кейинчалик ушбу йўналишдаги аҳамиятли изланишлардан, И.П.Герасимов, М.А.Панков, Н.В.Кимберг, И.Н.Фелициант, Л.А.Ғафурова, Л.Турсунов ва Ж.С.Саттаров томонидан тупроқ-мелиоратив хариталари (1:10 000; 1:25 000) тузилган бўлса, С.Абдуллаев, Р.Қ. Қўзиёев ва бошқа олимлар мазкур тадқиқотларни давом эттиришган ва ҳозир ҳам шуғулланиб келмоқдалар. Бундан ташқари, ушбу муаммолар А.Рафиқов, И.Степанов, Н.Сабитова, А.Ўразбоев, Э.Чембарисов, А.Нигматов илмий ишларида кўриб чиқилган. Р.Қ.Қўзиёев раҳбарлигида вилоятнинг тупроқ унумдорлигини баҳолаш (1:75 000; 2007) ва мавзули хариталари (1:25 000; 2007) тузилиб, бугунги кунда замонавий технологиялар асосида кадастр хариталари (1:10 000) яратиш бўйича илмий-амалий ишлар олиб борилмоқда.

Тупроқ шўрланишини замонавий методда тадқиқ қилиш хорижий олимлардан D.B. Lobell et al., A.A. Elanaggar & J.S. Noller, A.A. Eldeiry & L.A. Garcia, R.L. Dehaan & G.R Taylor, Weicheng Wu et al., Abbas et al ва бошқалар томонидан ўрганилган, маҳаллий олимлардан Л.А. Алибеков, Aralova et al., Ivushkin et al., A.Platonov et al ва Л.Х.Фуломова томонидан изланишлар олиб борилган. Бироқ, ушбу ишларнинг кўпчилигида тупроқ қоплами генезиси, сув-физик хоссалари, кимёвий таркиби ва уларнинг ҳудудий тарқалиши анъанавий

методлар билан тадқиқ қилинган, замонавий ГАТ ва аэрокосмик методлар билан ўрганишга эса кам аҳамият қаратилган. Мазкур тадқиқот ишида тупроқлар шўрланишини муайян ҳудуднинг ўзига хос табиий хусусиятларини инобатга олиб тизимли ёндашув асосида илк бор тадқиқ этилган, тупроқларнинг шўрланишига таъсир этувчи омиллар ўртасидаги ўзаро коррелятив боғлиқликлари аниқланган, даврий ва ҳудудий ўзгаришлари замонавий методларда таҳлил этилган, ўрганилган ҳудуднинг тупроқ шўрланишини баҳолаш илмий асосланган ва аэрокосмик методлардан фойдаланиб прогноз хариталари ишлаб чиқилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети ва Урганч давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 0339970А рақамли ZEF/UNESCOнинг «Хоразмда ер ва сув ресурсларидан фойдаланишни экологик ва иқтисодий такомиллаштириш» халқаро лойиҳаси (2001-2011 йй.) ва Az. 88506 рақамли «Марказий Осиёда ер ресурсларидан фойдаланишни баҳолаш» халқаро лойиҳаси (2015-2017 йй.), шунингдек, «Геодезия, картография, география» кафедрасининг «Қуйи Амударёнинг табиий, ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммолари» мавзусида амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари (2007-2017 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хоразм воҳаси тупроқлари мелиоратив ҳолатини замонавий географик методларни қўллаш асосида яхшилаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Хоразм воҳаси табиий шароити ва агроиклим ресурсларининг даврий тенденцияларини ўрганиш, тупроқлари шўрланишини аниқлашда геофизик технологияларнинг ролини таҳлил қилиш;

тупроқ шўрланишини баҳолашнинг аэрокосмик методлари, спектрал маълумотлар, вегетация индекслари ва ўсимликлар ривожланишининг индикаторлари бўйича аниқлаш методикасини такомиллаштириш;

дала тажриба тадқиқотлари асосида тупроқлар шўрланиши хусусиятларини ўрганиш, лаборатория ва геофизик технологиялар асосида текшириб кўриш;

қишлоқ хўжалик экин турларининг ҳудудий жойлашувини космик маълумотлар, вегетация индекслари ва дифференциал алгоритмлар асосида аниқлаш ҳамда ГАТ дастурида хариталарини яратиш;

Хоразм вилояти мисолида тупроқлар шўрланишининг агроэкологик омиллар билан корреляцион боғлиқлик коэффицентларини ГАТ технологиялари асосида ҳисоблаш ва ерларнинг қулайлик даражаси хариталарини ишлаб чиқиш;

тупроқлар шўрланишининг даврий ва ҳудудий хусусиятларини математик-картографик моделлаштириш, прогноз хариталари ишлаб чиқиш, мониторинг олиб бориш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Хоразм воҳаси суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлари шўрланиши олинган.

Тадқиқотнинг предметини тупроқлар шўрланишини акс эттирувчи дала тадқиқотлари, замонавий технологиялар ва тизимли хариталар белгилайди.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тупроқлар шўрланишининг дала тадқиқотлари, лаборатория, геофизик, геостатистик, географик таққослаш, картографик, аэрокосмик методлари, Hydrus 1D моделидан фойдаланилган ва математик-картографик алгоритмлар R-studio муҳитида моделлаштирилган ҳамда хариталар ArcGIS дастурида яратилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi:

Хоразм воҳасида қишлоқ хўжалик экинларини экишнинг оптимал даври, суғориш муддати ва миқдорини белгилаш об-ҳаво маълумотларини ҳисоблаш натижасида асосланган;

тупроқлар шўрланишини аэрокосмик ва спектрал маълумотлар, вегетация индекслари, ўсимлик индикаторлари, эмпирик маълумотлар ва дала тажрибалари асосида аниқлаш методи такомиллаштирилган;

қишлоқ хўжалик экин турлари жойлашувини аниқлаш ва мониторингини олиб боришнинг аэрокосмик методи такомиллаштирилган;

Хоразм воҳаси табиий шароити, агроэкологик омиллари ва уларнинг тупроқлар шўрланишини ҳудудий хусусиятлари билан ўзаро корреляцион боғлиқлик коэффициентлари аниқланган ва уларни акс эттирувчи хариталари ишлаб чиқилган;

тупроқлар шўрланиш жараёни, даврий ва ҳудудий хусусиятларини математик-картографик моделлаштириш натижалари бўйича мониторингини олиб бориш алгоритми такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Хоразм вилояти агроиклим ресурсларининг тенденциялари таҳлил қилиниб, экин экишнинг оптимал муддатлари аниқланган ва суғориш муддати ҳамда миқдорини аниқлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

суғориладиган ерларда экин турларини аниқлаш ва ҳудудий жойлашувини спектрал маълумотлар, ўсимликларнинг ривожланиш фазаларидаги индикаторлари асосида таснифлаш ҳамда харитага олиш методикаси ишлаб чиқилган;

ҳудуднинг табиий шароити ва агроэкологик омиллари ГАТ технологиялари ҳамда аэрокосмик методлар асосида таҳлил қилиниб, тупроқлар шўрланишига таъсир қилувчи омилларнинг коэффициентлари аниқланган ва аналитик баҳолаш методикаси таклиф қилинган;

илк бор тупроқлар шўрланишининг вертикал қатламлари бўйлаб мавсумий ўзгаришини математик-картографик моделлаштириш ва харитага олиш интеграцион технологиялари асосланган;

илк бор тупроқлар шўрланишини агроэкологик омиллар ва космик маълумотларни индексация усуллари асосида таҳлил қилиш, чизиқли (LM), дифференциал (RF) алгоритмлар билан баҳолаш, прогноз хариталарини тузиш ва мониторинг қилиш халқаро лойиҳалар доирасида ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга татбиқ қилиш учун таклиф ва тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация иши натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси «Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси»нинг қишлоқ хўжалик, тупроқ бонитировка маълумотлари, хариталари ҳамда «Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти», «Амударёчапқирғоқ» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси харита ва маълумотлари, ZEF/UNESCO Хоразм лойиҳаси илмий тадқиқот материаллари ҳамда муаллиф томонидан (2015-2017 йй.) халқаро лойиҳа доирасида бевосита дала тажриба ишлари асосида бажарилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тупроқ шўрланишини замонавий аэрокосмик методлар, ГАТ технологиялари ва лаборатория таҳлиллари асосида баҳолашнинг тажриба тизими бўйича ҳудудий, ҳуқуқий ва ташкилий ҳужжатлар методикасини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, аввало, олинган асосий хулоса ва тавсиялардан тупроқ шўрланишини баҳолаш, прогноз хариталарини тузиш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш учун хизмат қилади. Айни вақтда, ушбу маълумотлар олий ўқув юртларидаги таълим жараёнида ҳам аҳамиятлидир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хоразм вилояти тупроқ шўрланишини замонавий методлар билан таҳлил қилиш бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

воҳа суғориладиган ерларида экинлар ривожланишининг оптимал муддатини ҳисоблаш ва суғориш режимини белгилаш «Амударёчапқирғоқ» ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 29 декабрдаги 04/32-1401-сон маълумотномаси). Натижада экин экишнинг оптимал даври аниқланиб, енгил, ўрта ва оғир қумоқ тупроқларда ғўзанинг сувга бўлган талаби (6000-8500 м³/га) аниқланган ҳамда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини берган;

тупроқлар шўрланишини аниқлашнинг замонавий методларидан фойдаланиш Хоразм мелиоратив экспедицияси томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 29 декабрдаги 04/32-1401-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган илмий ишланмалар ва замонавий технологияларни қўллаш ерларнинг мелиоратив ҳолатини тезкор баҳолаш имконини берган;

экин турларини замонавий методларда аниқлаш, харитага олиш ва мониторинг қилиш бўйича такомиллаштирилган аэрокосмик метод Давергеодезкадастр ташкилотларида амалиётда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри, давлат қўмитасининг 2017 йил 22 ноябрдаги 02-05-9755-сон маълумотномаси). Экин турлари жойлашувини мониторинги илмий ишланмалари, экинларнинг сувга бўлган талабини ҳисоблаш ва ресурслардан самарали фойдаланишда хизмат қилган;

Хоразм вилояти табиий шароити ва агроэкологик омилларнинг тупроқлар шўрланиши билан ўзаро корреляцион боғлиқлик коэффицентлари асосида ишлаб чиқилган хариталар амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 29 декабрдаги 04/32-1401-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижалар тупроқлар шўрланиши ва унумдорлик потенциални аниқлаш ҳамда худудий баҳолашга имкон берган;

тупроқлар шўрланиш жараёни, даврий ва худудий хусусиятларини математик-картографик моделлаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий ишланма Хоразм мелиоратив экспедицияси томонидан ГАТ технологияси асосида тупроқлар шўрланиши хариталарини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 29 декабрдаги 04/32-1401-сон маълумотномаси). Аэрокосмик тадиқотлар ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш имкониятини яратади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур ишнинг тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация натижалари 20 та илмий мақолаларда chop этилган, шулардан 6 таси республика ва 1 таси хорижий нуфузли журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Хоразм вилоятининг табиий шароити, тупроқлари хусусияти, агроиклим ресурслари**» деб номланган биринчи бобида Хоразм воҳасининг географик жойлашув ўрни билан боғлиқ бўлган табиий шароити ва об-ҳаво маълумотлари ўрганилиб, агроиклим хусусиятлари таҳлил қилинган. Урганч, Хива ва Туямўйин гидрометеорологик станцияларининг кўп йиллик об-ҳаво маълумотлари таҳлиliga кўра, охириги 10 йилликда ўртача ҳарорат 1930-1990 йиллар оралиғидаги узок муддатли ўртача ҳароратга нисбатан 0,2-0,5⁰С юқори бўлгани аниқланди. Шунингдек, 1970-2014 йилларда олинган маълумотлар таҳлил қилиниб, Хоразм воҳасида қишлоқ хўжалик экинларини экишнинг оптимал даври (21 март–16 апрель), хусусан ғўза учун (1-5 апрель) аниқланган. Шунингдек, суғориш муддати ва миқдори (6000 – 8500 м³/га)ни оптималлаштириш об-ҳаво маълумотлари асосида ўрганилган (1-жадвал). Белгиланган суғориш режими турли методлар асосида умумий буғланиш ва транспирация миқдори аниқланган (1-расм).

Мазкур бобда, Уздаверлойиҳа экспедицияси материаллари ҳамда Қўзиев (1980), Турсунов (1981), Н.Сабитова (1983) ва бошқа тупроқшунос-географ олимларнинг деҳқончилик таъсирида тупроқларнинг морфологик ўзгариши ҳамда унинг асосий агрофизикавий ва мелиоратив ҳолатига оид тадқиқотлари ёритиб ўтилган. Сўнгги йилларда ZEF/UEESCO халқаро лойиҳаси доирасида тупроқларнинг сув-физик, кимёвий ва биологик хусусиятлари хорижлик ҳамда маҳаллий олимлар томонидан ўрганилган ишлар таҳлил қилинган.

1-жадвал

Об-ҳаво маълумотлари асосида экинларни суғориш режими

№		Ғўза вегетация даври учун 10 кунлик суғориш модули																			
		Апрель			Май			Июнь			Июль			Август			Сентябрь			мм	
1		I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III		
2	Илдиз, м	0,1	0,15	0,2	0,25	0,3	0,3	0,35	0,4	0,45	0,5	0,6	0,7	0,7	0,7	0,7	0,7	0,7	0,6		
3	Кс	0,35	0,35	0,35	0,35	0,35	0,35	0,4	0,5	0,6	0,8	1,0	1,2	1,2	1,2	1,2	1,2	1,2	1,0		
4	Ето	31,1	36,1	37,6	43,1	45,9	55,4	54	59	56,4	54,4	53,4	54	49,3	47,5	45,1	38,4				
5	Ета	10,9	12,6	13,2	15,1	16,1	19,4	21,6	29,5	33,8	43,5	53,4	64,8	59,2	57,0	54,1	46,1				
6	Жами бугланиш							14	12	12	13	20	27	29	18	27	22				
7	Суғориш, мм							108													
8		Ўрта кумок 1000/230							97		124		166		193						580
9		Енгил кумок 1000/200							77		99		132		154		154				616
10		Оғир кумок 1000/270							104		134		178		208		208				832




1-расм. Вегетация даврида умумий бугланиш ва транспирация кўрсаткичлари


Диссертациянинг «Тажриба тадқиқот майдони тупроқлари шўрланишини ўрганишнинг космик ва дала текширув методлари» деб номланган иккинчи бобида қишлоқ хўжалик экин ерларининг тупроқлари шўрланиши ва экин турларининг жойлашувини космик маълумотлар орқали ўрганиш, дала тажриба тадқиқотларини олиб бориш, ҳудуднинг агроэкологик омилларини тавсифловчи мавзули хариталарни ишлаб чиқиш, тупроқлар шўрланишининг даврий ва ҳудудий хусусиятларини аэрокосмик методда баҳолашда замонавий технологиялардан фойдаланиш методологияси ишлаб чиқилган (2-расм).

Тадқиқот даври (2008-2016 йй.), тупроқлар шўрланиш хусусиятлари дала тажрибалари, лаборатория, геофизик ва аэрокосмик методларда тадқиқ қилинган. Шунингдек, вегетация даврида олинган кўп зонали суратлар, ўсимлик, сув, шўрланиш индекслари асосида экинларнинг максимал биомасса тўплаш даражаси ўртача арифметик кўрсаткичлари бўйича тупроқларнинг ҳосилдорлик потенциали ҳисобланган ва харитага олинган. Ушбу харитада ҳосилдорлик кўрсаткичи жуда паст, паст, ўрта, яхши ҳамда жуда яхши бўлган синфлар асосида тажриба майдонлари танлаб олинди ва тупроқларнинг шўрланиш хусусиятлари дала тажриба, лаборатория ва геофизик методларда ўрганилди.


**ДАЛА ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА
АЭРОКОСМИК МЕТОДЛАР**



ГИС ДАСТУРИДА ГЕОСТАТИСТИК БАҲОЛАШ



МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА ПРОГНОЗ ҚИЛИШ



2-расм. Тупроқлар шўрланишини мониторинг қилиш технологик жараёни схемаси


Тупроқлар унумдорлик даражасига таъсир қилувчи омиллар бўйича дала кузатув тадқиқотлари олиб борилди. Дала тажриба маълумотлари, космик суратлар, спектрал индекслар ва экинларнинг ривожланиш фазаларидаги индикаторлари бўйича чизиқли бўлмаган дифференциал тасодифий ўрмон (RF), таянч вектор методи (SVM) ва максимал ўхшашлик (MLC) алгоритмлари асосида экин турларининг жойлашуви аэрокосмик методларда аниқланди. Тасодифий ўрмон (RF) алгоритми асосида спектрал маълумотларни экин дала майдонлари асосида аниқлашнинг таснифлаш натижалари қуйидаги жадвалда матрица шаклида берилган (2-жадвал).

2-жадвал

Экин турларини таснифлаш матрицаси ва ҳудудий жойлашуви аниқлик даражаси

Дала тадқиқотларида олинган маълумотлар												
	Экин турлари	Ғўза	Шоли	Бўғдой-шоли	Бўғдой-макка	Узум-зор	Олма-зор	Тут-зор	Аралаш	Захира ер	Жами	Аниқлик%
Аэрокосмик методда таснифлаш	Ғўза	113	1	0	0	0	0	0	0	1	115	98.3
	Шоли	2	51	4	1	0	0	0	1	0	59	86.4
	Бўғдой-шоли	0	1	78	5	0	1	1	0	0	86	90.7
	Бўғдой-макка	1	0	3	34	0	1	0	0	1	40	85.0
	Узум-зор	0	0	0	0	26	0	1	0	0	27	96.3
	Олмазор	5	0	0	2	1	19	7	0	0	34	55.9
	Тутзор	1	0	0	1	0	4	21	3	0	30	70.0
	Аралаш	5	1	0	2	0	4	3	12	1	28	42.9
	Захира ер	0	0	0	0	0	1	0	0	20	21	95.2
Жами		127	54	85	45	27	30	33	16	23	440	
Аниқлик%		89.0	94.4	91.8	75.6	96.3	63.3	63.6	75.0	87.0		85.0

Диссертациянинг «Тажриба майдони агроэкологик омилларини ГАТ технологияси асосида таҳлил қилиш» деб номланган учинчи бобида тупроқлар шўрланиши ва унга таъсир қилувчи омиллар 2008-2016 йиллар давомида Хоразм вилояти доирасида космик суратлар таҳлил қилиниб, агроэкологик ҳолати яхши, ўрта ва паст бўлган ҳудудларда дала тажриба тадқиқотлари ўтказилди. Дала кузатувлари тупроқлар шўрланишининг лаборатория таҳлили, EM38 ўлчовлари, об-ҳаво маълумотлари (ҳарорат, нисбий намлик, ялпи радиация, ёғингарчилик, шамол тезлиги ва йўналиши), ер ости сизот сувлари ва минераллашуви, тупроқларнинг механик таркиби, ирригация ва мелиорация тармоқлари зичлиги, тупроқ балл бонитети ва рельефнинг рақамли модели ГАТ маълумотлар базаси асосида мавзули хариталар тизими яратилган ва агроэкологик омилларининг тупроқлар шўрланишига таъсир қилувчи корреляцион коэффициентлари аниқланган (3-жадвал). Ишлаб чиқилган тизимли синтетик хариталар ГАТ дастурида таҳлил қилиниб, ҳудуднинг агроэкологик омиллари ҳолати асосида тузилган ерларнинг қулайлик даражаси харитаси яратилди (3-расм). Шўрланиш жараёнига таъсир қилувчи микрорельеф топографик жойлашув индекси (TRI), ер ости сувлари таъсирида эвапотранспирация (E_{gw}) хариталари ишлаб чиқилди.



3-расм. Суғориладиган ерларнинг қулайлик даражаси (ГАТ дастурида тузилди, 1,8 марга кичрайтириб берилган)

Шўрланишга таъсир қилувчи омиллар корреляцион коэффицентлари


	Тупроқ шўрланиши	Суғориш тармоқлари	Дренаж тармоқлари	Ер ости сувлари	Ер ости сув шўрланиши	Механик таркиб	Тупроқ бонитети	Биомасса
Тупроқ шўрланиши		0.2	0.9	0.3	0.4	0.4	0.7	0.6
Суғориш тармоқлари	0.2		0.0	0.0	0.0	0.0	0.2	0.2
Дренаж тармоқлари	0.9	0.0		0.0	0.0	0.0	0.0	0.1
Ер ости сувлари	0.3	0.0	0.0		0.3	0.0	0.1	0.0
Ер ости сув шўрланиши	0.4	0.0	0.0	0.3		0.0	0.9	0.2
Механик таркиб	0.4	0.0	0.0	0.0	0.0		0.7	0.1
Тупроқ бонитети	0.7	0.2	0.0	0.1	0.9	0.7		0.6
Биомасса	0.6	0.2	0.1	0.0	0.2	0.1	0.6	

Диссертациянинг «Тупроқлар шўрланишини аниқлаш ва мониторинг қилишда математик-картографик методлар» деб номланган тўртинчи бобида тупроқ шўрланиши дала тажрибалари, лаборатория таҳлили, геофизик методлар орқали ўлчанган EM38 МК2 маълумотлар, тупроқнинг шўрланишига таъсир қилувчи омиллар бўйича мавзули хариталар ишлаб чиқилган. Улар, ГАТ технологиялари ва космик маълумотлар индексация усуллари асосида таҳлил қилиниб, тупроқлар шўрланишини аниқлаш, баҳолаш ва прогноз хариталарини тузиш орқали мониторингини олиб бориш методикаси такомиллаштирилган.

Тадқиқот жараёнида аниқланган тупроқлар шўрланиши дала тажрибалари, лаборатория ва геофизик маълумотлар, кўп зонали спектрал суратлар, ўсимлик, сув ва шўрланиш индекслари ўртасидаги корреляцион регрессион боғлиқликлар аниқланиб, тупроқ шўрланиши хариталари ишлаб чиқилди ва шулар асосида мониторингини олиб бориш учун математик-картографик моделлаштирилди. Тупроқлар шўрланишининг прогноз хариталари дала тажрибалари лаборатория таҳлил натижалари чизикли регрессия (LM) моделининг корреляцион коэффицентлари 0,56-0,58 оралиғида ўзгариб, чизикли бўлмаган дифференциал алгоритм (RF) корреляцион коэффицентлари 0,62-0,72 аниқлик даражасига эришилди. Тупроқ шўрланишини прогноз қилиш ва харитага олиш мақсадида чизикли бўлмаган дифференциал RF алгоритми асосида тузилган моделдан фойдаланиб, тупроқлар шўрланишининг прогноз харитаси ишлаб чиқилди (4-расм).

Hydrus-1D асосида моделлаштириш натижаларига кўра, тупроқ қатламларининг 0-30 см, 30-100 см ва 100 см горизонтлари бўйлаб кам, ўрта ва юқори шўрланиш даражалари суғориш таъсирида кучли ўзгариши аниқланди. Энг кам илдиз ости хатолик (RMSE) 0,59-0,89 dSm⁻¹ оралиқда ўзгариши 0-30 см қатламда ва 100 см дан чуқурдаги қатламда кузатилиб, юқори кўрсаткич 0,96-1,16 dSm⁻¹ 30-100 см қатламда аниқланди. Ғўза майдонларида тупроқлар шўрланишининг даврий ўзгаришини прогноз қилиш юқори аниқликда натижа берган.

Тупроқлар шўрланишини аэрокосмик ва ГАТ технологиялари асосида моделлаштириш, прогноз қилиш ҳамда харитага олиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари кам вақт ва моддий харажат сарфлаган ҳолда, тупроқлар сифатини баҳолаш сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга хизмат қилади.



4-расм. Тупроқлар шўрланиши прогноз харитаси ГАТ, аэрокосмик ва картографик методларда тузилди (1,8 марта кичрайтириб берилган)

ХУЛОСА

Бажарилган тадқиқот асосида куйидаги **асосий хулосалар** чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикасида аҳоли сонининг муттасил ошиб бориши, табиий-агроиқлимий шароитларнинг мураккаблиги, экинларнинг сувга бўлган талабининг йилдан-йилга ортиб бориши, суғориладиган ерларнинг аксарият қисмини ўртача ва кучли даражада шўрланганлиги сабабли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши катта миқдорда зарар кўради. Тадқиқот натижаларига кўра, қишлоқ хўжалиги экинларини экишнинг дастлабки даври 21 мартдан 16 апрелгача бўлган муддатда ўзгариб, аксарият йилларда дастлабки чигит экиш даврининг энг қулай муддати, яъни 40 фоиздан ортик ҳолатда биринчи ва бешинчи апрелгача оралиғига тўғри келиши аниқланди. Шунингдек, об-ҳаво маълумотлари таҳлили, ер ости сувлари ҳолати кузатувлари қишлоқ хўжалиги экинларининг сувга бўлган талаби ва тупроқ физик хоссалари таҳлиliga кўра оптимал суғориш режими ишлаб чиқилган ва бу сувдан самарали фойдаланиш имкониятини беради.

2. Қишлоқ хўжалик экин турларини аниқлаш ва уларни харитага олишда космик суратлар, ва экинлар ривожланишининг спектрал хусусиятларини RF ва SVM каби таснифлаш алгоритмларидан фойдаланиб, прогноз қилиш натижалари ўртача 85 фоиз аниқликни кўрсатиб, энг юқори кўрсаткич шоли 94,4 фоиз, пахта экин майдонларида 89 фоиз, кузги буғдой ва такрор экинлар таркиби 75,6-91,8 фоиз ҳамда кўп йиллик боғлар 63,3-96,3 фоиз, аралаш ҳолда экилган экинлар таркиби 75 фоиз ҳамда захира ерлар 87 фоиз аниқликда таснифлашга эришилди.

3. Тадқиқот олиб борилган 2008-2016 йиллар давомида аэрокосмик технологиялар асосида таҳлил қилинган суратларни RF ва LM моделлар ёрдамида таҳлил қилиш натижаларига кўра, жумладан дренаж тармоқлари билан таъминланиш ҳолати энг юқори 87 фоиз коррелятив боғлиқликка эга бўлса, тупроқ бонитети 70 фоиз, тупроқ механик таркиби 43 фоиз, ер ости сув сатҳи 26 фоиз, ирригация тармоқлари 21 фоиз, микрорельеф 25 фоиз, ва ер ости сувларининг минераллашув даражаси орасида 38 фоиз боғлиқлик мавжудлиги моделлаштиришнинг прогноз натижаларида ўз исботини топди.

4. Тадқиқотда жараёнида олинган натижалар, тупроқ қоплами профили бўйлаб тузларнинг ҳаракатланиш динамикаси, даврий ўзгариши ва тарқалиши, жойнинг табиий шароити ва ўзига хос хусусиятлари билан узвий боғлиқлиги, тупроқ шўрланишини аниқлаш, прогноз қилиш ва харитага олишда агроэкологик омилларнинг мавзули хариталари тузилиб, уларнинг таъсир доираси юқорилиги аниқланди. Дала шароитида бевосита ЭМ38 асбоби ёрдамида тупроқларнинг шўрланиши даражаси кам, ўрта ва кучли бўлган майдонлар қамраб олинishi, тупроқ намуналарининг лаборатория таҳлил натижалари билан коррелятив боғлиқлик даражасининг юқори (71%) бўлишини таъминлади.

5. Тупроқ шўрланишини прогноз қилишда, тадқиқот йилида вегетация даври–июнь ойида нисбатан пастроқ (LM=29%, RF=48%) ва вегетация даврининг охири – сентябрь-октябрь ойларида юқори (LM=56%, RF=72%)

бўлиши кузатилди. Худуднинг ўзига хос табиий ва агроиклим шароити сабабли интенсив суғориш амалга ошириладиган давр июнь-август ойларида, тузларнинг тупроқ горизонтлари бўйлаб пастки қатламларига ҳаракати жадал бўлиши кузатилди. Шунингдек, космик суратлар асосида спектрал маълумотлар таҳлили ёрдамида тузлар ҳаракатининг тупроқ горизонтининг устки 0,3 метр қатлами билан кучли алоқадорлиги аниқланди.

6. Суғориладиган ерлардаги тупроқ тузлари таҳлили Hydrus 1D методида моделлаштирилди ва аэрокосмик технологиялар интеграцияси асосида баҳоланди. Тупроқ шўрланишининг турли қатламлари бўйлаб мавсумий ўзгариши симуляция натижалари вегетация даври охирида тупроқ қопламнинг илдиз қатламида тузлар концентрациясининг ошиб боришини кўрсатиб, кам (23-дала), ўртача (26-дала) ва кучли (28-дала) даражали шўрланган нуқталаридан олинган маълумотларининг симуляция натижалари тузларнинг вертикал ҳаракатини ифодалади, бу эса тупроқ мелиорацияси учун аниқ белгиланган стратегик ишларни олиб боришга замин яратади.

7. Космик суратларни таҳлил қилиш методига кўра экин турлари таркибини аниқлаш ҳамда мос равишда худуд агроиклим шароити ва тупроқ шўрланиш даражасининг экинлар ҳосилдорлигига таъсирини экин дала контурлари кесимида баҳолаш натижалари ғўза майдонларидан олинган ялпи ҳосил билан ўртача биомасса тўплаш кўрсаткичи (NDVI) ўртасидаги коррелятив боғлиқлик юқори деб баҳоланди. Урганч тумани Пахтакор массивининг 316 гектар майдонида текширилган таҳлил натижалари асосида тўлиқ массивнинг 15008 гектар майдони бўйлаб тупроқлари шўрланиш даражаларини прогноз қилиш тадқиқот методологиясида қабул қилинган меъёрлар ва алгоритмлар асосида тадқиқ қилиниб, прогноз натижаларини 73 фоиз аниқлик билан баҳолашга эришилди.

8. Тупроқ намлик даражасининг етишмаслиги, ер ости сувлари ҳолатининг ўзгариши каби ўсимлик стресс омилларининг салбий таъсири аниқ ҳисобга олинмаса, тупроқлар шўрланиши даражаларини аниқлаш ва харитага олишда прогноз натижаларининг аниқлик даражасига салбий таъсир қилади. Бундай ҳолатларда, худуд агроэкологик омилларига оид маълумотларни ГАТ технологияси ёрдамида тизимли таҳлил қилиш, тупроқ шўрланишига оид эмпирик маълумотларни тўплаш ва моделлаштириш орқали прогноз қилинди.

9. Хоразм воҳасида экиладиган ғўза ва кузги буғдой майдонлари ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида шўрланишни аниқлаш, вегетация охирида олинган космик маълумотларни географик ахборот тизимларида мавжуд методлар, RF таснифлаш алгоритми ва Hydrus 1D моделларини биргаликда қўллаш орқали хариталар тизимини яратиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.G.01.06
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

СУЛТАНОВ МУРОДЖОН КИЛИЧЕВИЧ

**СОВРЕМЕННЫЕ ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ МЕТОДЫ ИССЛЕДОВАНИЯ
ЗАСОЛЕННОСТИ ПОЧВ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ**

11.00.01 – Физическая география

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.2.PHD/G15

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский-резюме) размещён на веб-странице Научного совета (pauka.nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyo.net» (www.ziyounet.uz).

Научный консультант:	Сафаров Эшқобул Юлдашевич Доктор технических наук
Официальные оппоненты:	Нигматов Аскар Нигматуллаевич Доктор географических наук, профессор Абдуллаев ИлхомХатамович Кандидат географических наук, доцент
Ведущая организация:	Научно-исследовательский институт почвоведения и агрохимии

Защита диссертации состоится «6» февраля 2018 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.G.01.06. при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4. Тел.: (99871)227-12-24, факс:(99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ik-geografiya.nuuz@mail.ru. Геолого и географический факультет Национального университета Узбекистана.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за № 3). Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Административное здание Национального университета Узбекистана.

Автореферат диссертации разослан «24» января 2018года.
(реестр протокола рассылки № 6 от «24» января 2018 года).



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Разработка технологий оперативного мониторинга для борьбы с засолением почвы в орошаемых сельскохозяйственных участках является важной задачей мирового масштаба. Как отмечает продовольственная и сельскохозяйственная организация ФАО ООН, сегодня 40% продовольственных продуктов всего мира выращиваются на 20% орошаемых земель, т.е. из 1,5 млрд. га посевных площадей - 300 миллионов га орошаемых земель, из которых 30% подвержены различной степени засолению под воздействием природно-антропогенных факторов¹.

В мире наблюдается уменьшение плодородности почвы и урожайности культур на 397 миллионах га орошаемых земель в связи с засолением почвы, большая часть которых находится в засушливых и полусушливых поясах Африки, Азии, Австралии, Европы и Латинской Америки¹. Засоленность почвы орошаемых земель Австралии составляет 20%, в Египте 30%, в Иране 50%, в Индии и в Пакистане 55%. А также, в Центральной Азии, которая входит в бассейн Аральского моря. Засоленность почвы на более чем половине орошаемых земель показывает необходимость проведения масштабных исследований, как утверждает Мировой банк².

В республике в настоящее время особое внимание уделяется эффективному использованию водных и земельных ресурсов, улучшению мелиоративного состояния земель и сохранению плодородности почвы. Необходимо проведение исследований по улучшению мелиоративного состояния земель, а также обеспечение данными о процессе засоления почв и их оценка с помощью установленных методов, прогнозирование эффективного использования водных ресурсов в сельском хозяйстве с помощью аэрокосмических методов. В республике Узбекистан разработана стратегия действий по «улучшению мелиоративного состояния земель и рациональному использованию водных ресурсов»³, из которой следует, что охрана орошаемых земель от засоления и процессов деградации, а также их мониторинг должны проводиться на основе новейших методов и путем усовершенствования и внедрения их в практику, что является важной задачей в этой сфере.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по развитию Республики Узбекистан», где выделяется направление «развития и либерализации экономики» из пяти основных направлений развития Республики Узбекистан на 2017-2021 гг., и выполнение задач по улучшению мелиоративного состояния земель в 2013-2017 годах, отмеченных в постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-1958 от 19 апреля

¹FAO of the United Nations and Earthscan, Rome, 2012. Water and Cereals in Drylands.

²The World Bank, February 2003. Irrigation in Central Asia Social, Economic and Environmental Considerations.

³Указ Президента Республики Узбекистан за № УП-4947 от 7 февраля «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

2013 года и УП-3281 от 15 сентября 2017 года «О мерах по рациональному размещению сельскохозяйственных культур и прогнозных объемах производства сельскохозяйственной продукции в 2018 году», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V.«Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. В Республике Узбекистан, в т.ч. в Хорезмской области, первые исследовательские работы по процессам формирования почвы, типов почв и мелиоративном состоянии орошаемых земель, водных и физических свойствах почв, химическом составе, географии почвы и её направлениях проводились учеными русского военного топографического управления во главе с Р.Ханниковым, Г.Данилевским, почвоведом В.В.Докучаевым, Н.М.Сибирцевым, П.С.Коссовичем и Н.А.Димо, а также, была изучена степень воздействия подземных вод на вторичное засоление почвы в нижних частях Амударьи, составлены карты почв Узбекистана (1:1 000 000; 1927), (1:420 000, 1930).

Если позже, основываясь на ранее проведенных исследованиях, были разработаны почвенно-мелиоративные карты (1:10 000; 1:25 000) М.А.Панковым, и Н.В.Кимбергом И.Н.Фелициантом, Л.А.Гафуровой, Л.Турсуновым, Ж.С.Саттаровым, то в настоящее время исследования продолжаются С.Абдуллаевым, Р.Кузиевым и другими учеными. Кроме того, данные приводятся в научных работах А.Рафикова, И.Н.Степанова, Н.Собитовой, А.Уразбаева, Э.Чембарисова, А.Нигматова. Во главе с Р.К.Кузиевым были разработаны тематические карты (1:25 000; 2007) и карты по оценке плодородности почвы (1:75 000; 2007), а в настоящее время проводятся научно-практические работы по разработке кадастровых карт на основе современных технологий.

Исследования по засолению почвы проводились такими иностранными учеными, как D.B. Lobell et al., A.A. Elanaggar & J.S. Noller, A.A. Eldeiry & L.A. Garcia, R.L. Dehaan & G.R Taylor, Weicheng Wu et al., Abbas et al., и местными учеными, как Л.А. Алибеков, Aralova et al., Ivushkin et al., A. Platonov et al. и Л.Х.Гулямова. Более того, в выше приведенных исследовательских работах были изучены генезис покрова почвы, ее химический состав, водные и физические свойства и их территориальное распространение с помощью традиционных методов, а также, особое внимание уделялось изучению на основе современных ГИС и аэрокосмических методов.

